



## ХАЛҚАРО САВДОНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ДОИР ЗАМОНАВИЙ НАЗАРИЯЛАР

**Маматов Баходир Қулдошович**

*Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти  
таянч докторанти. Тошкент, Ўзбекистон.*

[bakhodir\\_kuldoshovich@mail.ru](mailto:bakhodir_kuldoshovich@mail.ru)

**DOI:** [https://doi.org/10.55439/EIT/vol10\\_iss5/a41](https://doi.org/10.55439/EIT/vol10_iss5/a41)

### Аннотация

Ушбу илмий мақолада иқтисодчи олимларнинг халқаро савдони ривожлантиришга доир илмий-назарий қарашлари тадқиқ қилинган ва уларнинг амалий аҳамиятига баҳо берилган.

**Калит сўзлар:** халқаро савдо, экспорт, импорт, классик назариялар, фирмалар, модел, экспорт самарадорлиги, интенсив чегара, экстенсив чегара, глобаллашув.

### Аннотация

В данной научной статье изучены научно-теоретические взгляды экономистов на развитие международной торговли и дана оценка их практической значимости.

**Ключевые слова:** международная торговля, экспорт, импорт, классические теории, фирмы, модель, эффективность экспорта, интенсивная граница, экстенсивная граница, глобализация.

### Abstract

In this scientific article, the scientific-theoretical views of economists on the development of international trade have been studied and their practical significance has been evaluated.

**Key words:** international trade, export, import, classical theories, firms, model, export efficiency, intensive frontier, extensive frontier, globalization.

### Кириш

Халқаро савдонинг классик назариялари икки асосдан иборат эди: биринчиси, халқаро савдо асосида давлатларнинг нисбий афзалликлари ётади; иккинчиси эса, савдо муносабатлари барча давлатлардаги бир хил турга мансуб бўлган фирмалар томонидан йўлга қўйилади.

XX аср охири XXI аср бошига келиб эса, халқаро савдонинг классик назарияларига шубҳа билан қарашга асос бўладиган бир қатор янги халқаро назариялар вужудга келди.

XXI аср бошида яқка тадбиркорлик фирмалари даражасидаги катта ҳажмдаги маълумотларнинг пайдо бўлиши, халқаро савдо муаммоларини ўрганиш йўлларини яқка тадбиркор даражасидан мамлакат даражаси принципига ўтишига олиб келди. Ушбу назария муаллифлари алоҳида фирмаларнинг ташқи савдо таҳлили асосида қўйидагича хулосаларга келди:

- мамлакатдаги фирмаларнинг жуда кам қисми ташқи савдога жалб қилинган;

- мамлакат нисбий устунликка эга соҳада иш олиб борувчи фирмалар ўз маҳсулотларини экспорт қилмаган, мамлакат нисбий устунликка эга бўлмаган соҳадаги фирмалар эса экспорт билан шуғулланган;

- халқаро савдога жалб этилган фирмалар ички бозорда фаолият олиб борувчи фирмаларга нисбатан миқёси, ишчилар малакаси, капитал ҳажми бўйича фарқ қилган.

Фирмаларнинг ҳар хиллик нуқтаи назарига асосланиб, халқаро савдонинг янги назариялари экспорт мақбуллиги, четга капитал чиқариш ва бошқаларни ўрганишга қаратилди. Шунинг учун, халқаро савдонинг пайдо бўлиши алоҳида фирмаларнинг қарорларига боғлиқ қилиб кўрсатилган.

#### **Мавзуга оид адабиётлар таҳлили**

Ҳар хил турдаги фирмалар халқаро савдонинг асоси сифатида қараладиган дастлабки ва машҳур назариялардан бири М. Мелицга (2003) тегишлидир [1]. У ташқи бозорларга чиқишда ҳар хил турдаги фирмалар унумдорлик даражаси ёки ҳажми жиҳатидан ўзаро фарқланишини ҳисобга олиб, монополистик рақобат асосидаги савдо моделида ўрганилмаган жиҳатларни таҳлил қилди. Экспорт қилинаётган мамлакатлар сони ошиши билан фирмалар сарфлайдиган доимий харажатлари ҳам ортиб бориши сабабли фақатгина унумдорлик даражаси юқори бўлган фирмалар экспорт қилишга қодирлиги келтирилган. Мелиц модели монополистик рақобат моделининг кенгроқ кўриниши ҳисобланиб, модел бир хил соҳада фаолият олиб борувчи фирмаларнинг самарадорлигидаги фарқ билан асосланади [2]. Сердаромад фирмалар хориж талабига жавоб берадиган экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш харажатлари ва ва ушбу чиқим қопланмайдиган харажатлар бўлса-да фирмалар буни ўз зиммасига олиши мумкин. Шунингдек, фирмалар ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмаган, доимий харажатларни ҳам ўз зиммасига олади. Қопланмайдиган ҳамда доимий бўлган харажатлар йиғиндиси фирманинг экспорт қиладиган давлатлар сонига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Шу сабабли, энг самарадор ва сердаромад фирмаларгина товарлар экспорти билан шуғуллана олади, холос. Мелиц модели фирмаларни 3 турга ажратади: экспорт қилмайдиган, экспорт қиладиган ва кўп миллатли (тўғридан-тўғри инвестиция киритиш орқали чет элда корхона очувчилар). Мелиц моделига кўра фирмалар самарадорлик даражаси юқори бўлсагина ўса олади, пастроқ даражали фирмалар эса ўз фаолиятини тугатади, яъни савдо иқтисодиётнинг ўртача самарадорлигини ошишига олиб келади.

*Нотўла шартномалар назарияси.* Фирмаларнинг тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришдаги зарурий компонентларни импорт қилиш қарорини ўрганишда макроиқтисодиётдаги нотўла шартномалар (олдиндан кўриб бўлмайдиган, келажакда содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай ҳолат шартномалари) моделига асосланади. Фирмаларнинг тайёр маҳсулот учун керакли компонентларини олишнинг 2 йўли мавжуд:

- аутсорсинг – фирмага тегишли бўлмаган ва ундан алоҳида иш юритадиган етказиб берувчидан фойдаланиш. Агар аутсорсинг давлат ичида бўлса, ташқи савдо юзага келмайди, агарда манба хорижда бўлса, унда ташқи савдо икки мустақил фирмалар ўртасида юзага келади.

- инсорсинг – фирмага тегишли бўлган ва унинг таркиби ҳисобланган етказиб берувчидан фойдаланиш. Агар инсорсинг мамлакат ҳудудининг ўзида бўлса, ташқи савдо юзага келмайди, агарда манба хорижда бўлса, унда ташқи савдо хорижга тўғридан-тўғри инвестиция киритиш орқали юзага келади.

Нотўла шартномалар модели халқаро савдода фирмаларнинг қўл остидаги филиалларидан (инсорсинг) ёки мустақил хориж фирмаларидан (аутсорсинг) оралиқ товарлар сотиб олиш манфаатли эканлигини тушунтиради.

#### **Таҳлил ва натижалар**

Савдо, миграция ва туризм каби икки томонлама оқимни моделлаштиришда **гравитация модели**дан кенг фойдаланилади. Буюк физик олим Исаак Ньютоннинг бутун олам тортишиш қонуни асосида ишлаб чиқилган гравитация модели бир ҳудуддан бошқа бир ҳудудга ҳаракатланувчи савдо оқими ҳажмини белгиловчи даромад, масофа ва бошқа омиллардан иборат деган тўхтамга келинган. Халқаро савдонинг гравитацион моделини эмпирик жиҳатдан 1962 йилда биринчи бўлиб текширган олим Ян Тинберген алоҳида тилга олинади [3]. Унинг хулосаси бўйича, икки томонлама савдо давлатларнинг иқтисодий ўлчамига тўғри пропорционал ва уларнинг ўртасидаги масофага тескари пропорционалдир. Гравитация моделининг кенг қўлланилаётган логарифлаштирилган шаклини Франкель таклиф этган [4].

Гравитацион модели қўйидагича умумий кўринишга эга:

$$\ln T_{ij} = \beta_0 + \beta_1 \ln GDP_i + \beta_2 \ln GDP_j + \beta_3 D_{ij} + \varepsilon_{ij} \quad (1)$$

Бу ерда,  $T_{ij}$  –  $i$  мамлакатдан  $j$  мамлакатга ташқи савдо айланмаси (экспорт-импорт);

$GDP_i$  –  $i$  мамлакатнинг ЯИМ ҳажми;

$GDP_j$  –  $j$  мамлакатнинг ЯИМ ҳажми;  $D_{ij}$  –  $i$  мамлакатдан  $j$  мамлакатгача бўлган масофа;

$\varepsilon_{ij}$  – хатолик.

Гравитацион модел тенгламасига, шунингдек, 1 ва 0, яъни бор ёки йўқ маъносини берувчи вектор ўзгарувчилар ҳам қўшиш мумкин (масалан, умумий чегаранинг борлиги, экспортчи ва импортчининг умумий тилга эгалиги, битта валютанинг ишлатилиши ва бошқалар).

Ж.Ж. Халарт, Р.К. Цепеда ва Дж. Канг (2011) ривожланаётган мамлакатлар, шунингдек, денгизга чиқиш имкониятига эга бўлмаган, кичик, қолоқ ва бошқа экспортёр мамлакатлар учун савдони кенгайтиришларида мажбурий чекловларнинг таъсирини миқдорий аниқлаган [5]. Шунингдек, ташқи савдо ислохотларининг иқтисодий ўсишдаги аҳамиятини баҳолаган. Икки босқичда тадқиқот олиб боришган бўлиб, уларнинг 1-тенгламаси қўйидагича:

$$Trade = \partial W + \tau GDP_{i, t-1} + \varepsilon_{it} \quad (2)$$

Бу ерда,  $Trade$  – ташқи савдо,  $W$  – мамлакатнинг ташқи савдо даражаси, жумладан, мажбурий чекловлар ва доимийликни билдирувчи моделдаги экзоген ўзгарувчи вектор,  $GDP_{i, t-1}$  – бошланғич (бир йил олдинги) ЯИМ,  $\tau$  ва  $\partial$  – баҳоланган параметр,  $\varepsilon_{it}$  – регрессиянинг хатолик вақти.

Иккинчи босқичда эса улар ЯИМга ташқи савдони таъсирини баҳолашган. 2-тенглама қўйидагича:

$$\Delta GDP = \alpha_0 + \alpha_1 GDP_{t,0} + \alpha_2 Trade_{it} + \alpha_3 Investment + \beta X + \omega_{i,t} \quad (3)$$

Бу ерда,  $\Delta GDP$  – ЯИМнинг ўзгариши,  $GDP_{t,0}$  – бошланғич ЯИМ,  $Trade_{it}$  – маълум бир босқичдаги савдо кўрсаткичларининг башорат қиймати (экспорт, импорт ёки

очиқлик даражаси), *Investment* – мамлакатдаги инвестициялар миқдорининг ЯИМдаги улуши (иқтисодий ўсишнинг асосий аниқловчи кўрсаткичи, детерминанти) сифатида инвестицияларнинг мазкур тенгламанинг бир қисмини ташкил этади,  $X$  – бу ЯИМ ўсишига таъсир этувчи бошқа ўзгарувчиларнинг вектори,  $\omega_{i,t}$  – хатолик даражаси,  $\alpha_k$  ва  $\beta$  – баҳоланган параметрларни ифодалайди.

Мазкур тадқиқотда денгизга чиқиш имкониятига эга бўлмаган мамлакатларга олиб борилаётган макроиқтисодий сиёсатдаги камчиликлар уларнинг ташқи савдо фаолиятларида салбий таъсир кўрсатаётган асосий омиллардан бири эканлиги келтирилади.

Мурат Шекер (2011) мамлакатларнинг экспорт самарадорлигида бир-бирларига яқинлаша олмасликлари мумкин бўлган сабабларини гравитацион модел орқали ўрганиб чиқди [6]. Даромад даражаси турлича бўлган мамлакатлар ва дунёнинг турли минтақаларини ўз ичига олувчи мазкур тадқиқот маълумотлари савдо сиёсати, савдони қулайлаштириш, инвестиция муҳити ўзгарувчи кўрсаткичларининг савдо фаолиятига қандай таъсир этишини аниқлаган. Муаллиф бозорларга чиқишнинг қийинлашуви натижасида экспортнинг сезиларли даражада камайишини кўрсатган. Тартибга солиш ва ифратузилма сифати, мулкӣ ҳуқуқлар ҳимоя қилинишининг яхшиланиши экспортнинг ошишига олиб келишини аниқлаган. Шунингдек, мамлакатларнинг ЯИМ экспорт самарадорлиги билан кучли корреляцион боғлиқликка эга эканлиги, ҳамкор мамлакатлар ўртасидаги масофани 10 %га узоқлашиши, экспортни 4,5 %га камайишига олиб келиши, олдинги йилдаги экспортнинг ўсиши жорий йилнинг экспорт унумдорлигига ижобий таъсир этишини аниқлаган.

Ж. Фелип ва У. Кумар (2010) савдони осонлаштиришнинг Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдоси ривожланишидаги аҳамиятини гравитация модели орқали тадқиқ қилиб, экспортчи мамлакат учун инфратузилма савдо оқимида катта таъсир кўрсатишини, импорт қилувчи мамлакат учун божхона самарадорлигига эришиш муҳим эканлигини исботлаб беришган [7]. Муаллифларнинг фикрича, Марказий Осиё мамлакатлари ташқи савдони ривожлантиришларида инфратузилмани ривожлантириш жуда муҳим аҳамиятга эга. Минтақавий инфратузилмани ривожлантириш минтақа ва ундан ташқарида савдо учун транспорт каридорларини тақдим этиб, савдо вақтини камайтиришга ёрдам беради, шунингдек, минтақадаги мамлакатларни дунёнинг қолган мамлакатлари билан бирлаштиради.

Д. Чакраборти ва С. Мүкержи (2016) Жаҳон банкининг логистика фаолияти индекси маълумотлари асосида савдони осонлаштиришнинг экспортга таъсирини эмперик баҳолашган [8].

Джанков С., Фреунд С., Фам С. (2010) гравитацион таҳлиллари асосида, савдонинг бир кунга кечикиши, тегишли маҳсулот тури бўйича савдо ҳажмининг 1 %га камайишини аниқлаган [9].

Брентон П., Ньюфармер Р. (2009) ўз тадқиқотлари давомида, кўпгина мамлакатлар, асосан, ўрта ва юқори даромадли мамлакатлар экспортининг ўсиши интенсив захиралари ҳисобидан бир хил маҳсулотни бир хил бозорларга сотиш орқали амалга ошмоқда [10].

Кусолито А.П. (2010) халқаро савдода экспорт рақобатбардошлигининг интенсив ва экстенсив чегаралар билан муносабатларини аниқлаган [11]. Мазкур тадқиқотда ташқи бозорга чиқиш имконияти, институционал муҳит, меҳнат бозорини тартибга солиш ва бизнес муҳити каби экспорт рақобатбардошлиги кўрсаткичларини ташқи савдонинг интенсив ва экстенсив чегараларининг ҳар иккисига таъсири батафсил

ўрганилган. Муаллиф турли хил фирмалар, ўзоқлик, эндоген жиҳатлар бўйича сараланган маълумотларни текширишда стандарт гравитация тенгламасининг бошқача кўринишидан фойдаланди.

Хуммелс ва Кленовлар (2005) кўрсатмалари мамлакатнинг экспорти қанчалик муҳим аҳамият касб этиши (IM), мамлакат экспорти жаҳонда қанчалик аҳамиятга эга эканлигини (EM) аниқлашда ёрдам беради [12]. Ушбу ёндашувдан мамлакатда ишлаб чиқариладиган товарлар рўйхатига қўшилган иқтисодий жиҳатдан аҳамиятли янги маҳсулотлар ва уларнинг жаҳон савдосидаги улушини баҳолашда фойдаланилади.

$$IM_i = \frac{\sum_{i^k} X_k^i}{\sum_{i^k} X_k^w} \quad (4)$$

Бу ерда,  $IM_i$  – интенсив чегара;

$i^k$  –  $i$  мамлакатнинг  $k$  маҳсулотлар тўплами;

$X_k^i$  –  $i$  мамлакатнинг  $k$  маҳсулот тури бўйича экспорт қиймати;

$X_k^w$  –  $k$  маҳсулот тури бўйича жаҳон экспорт қиймати.

$$EM_i = \frac{\sum_{i^k} X_k^w}{\sum_{k^w} X_k^w} \quad (5)$$

Бу ерда,  $EM_i$  – экстенсив чегара;

$i^k$  –  $i$  мамлакатнинг  $k$  маҳсулотлар тўплами;

$k^w$  –  $k$  маҳсулотнинг барча тўплamlари;

$X_k^w$  –  $k$  маҳсулотнинг барча тўплamlари бўйича жаҳон экспорти.

Экспорт ўсишининг интенсив чегарасида аънанавий экспорт маҳсулотларининг аънанавий бозорларга йўналтириш ва экстенсив чегарасида эса, янги экспорт маҳсулотларини аънанавий бозорларга йўналтириш, янги экспорт маҳсулотларини янги бозорларга йўналтириш, аънанавий экспорт маҳсулотларини янги бозорларга йўналтириш тушунилади.

Одатда экспортнинг ўсиши аънанавий бозорларга аънанавий экспорт оқимлари орқали юз беради. Мазкур ўсишнинг пасайиши аънанавий бозорлардаги аънанавий маҳсулотлар экспорт қийматининг камайиши ёки маҳсулотларнинг бутунлай тугаб кетиши оқибатида кузатилиши мумкин. Экстенсив чегарада аънанавий маҳсулотлар экспортининг янги бозорларга томон йўналтирилиши кўп учрайди.

Бернард А. ва бошқалар ҳар хил турдаги фирмалар фаолиятини татқиқ этиш асосида, экспортёрлар экспорт қилмайдиган фирмаларга қараганда унумлироқ, капитал сифимли, ҳажм жиҳатдан каттароқ ва меҳнатга юқорироқ иш ҳақи тўлашга қодир бўлишини илмий асослаб беришган [13]. Ривожланаётган мамлакатлар учун экспорт товарлари ички эҳтиёжлари учун керакли ресурслар импортини молиялаштиришда керак бўлган валюта манбаи ҳисобланади. Ташқи савдодан даромадлар импортга ҳам, экспортга ҳам бирдек аҳамиятли даражада боқлиқлиги ҳақиқат. Импортнинг очиқлиги ҳам ички бозорларни тартибга солувчи куч сифатида намоён бўлиб, харажатни камайишига, ишлаб чиқарувчилар учун юқори сифатли хом ашёни олиб киришга имконият беради.

Кадот О., Каррер С. ва Стросс-Кан В. (2011) “Ташқи савдо диверсификацияси: ҳаракатлантирувчи ва таъсир этувчи омиллар” номли мақоласида ривожланаётган мамлакатлар учун экспортни диверсификация қилиш бўйича турли йўналишларда давлат сиёсатини олиб бориш асосларини ишлаб чиқишди [14]. Улар қуйидаги тенгламани ишлаб чиқишди:

$$Theil_{it} = \partial_i + \delta_t + \gamma LIB_{it} + \varepsilon_{it} \quad (6)$$

Бу ерда,  $Theil_{it}$  –  $i$  мамлакатнинг  $t$  йилдаги экспортнинг  $Theil$  индекси,  $LIB_{it}$  – эквивалент, агар  $t$  либераллашув йилидан каттароқ бўлса, эквивалент 1 га тенг бўлади, бошқа ҳолларда эса 0 га тенг (Бочиарг ва Велч (2008) томонидан аниқланган),  $\partial_i$  ва  $\delta_t$  мос равишда мамлакат ва йил бўйича қайд этилган самаралар.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМни назоратга олиниши билан миқдорий баҳолаш натижаларининг кўрсатишича, инфратузилма экспорт диверсификациясини муҳим ҳаракатлантирувчи омил сифатида намоён бўлади: инфратузилма индексининг 10 %га ошиши,  $Theil$  индексини 0,7 %га камайишига олиб келади. Мамлакатлар орасидаги масофа қанчалик узоқ бўлса, улар ўртасидаги экспорт диверсификация даражаси, яъни экстенсив чегара ва маҳсулотлар миқдори ҳам шунчалик кам бўлади.

XXI асрда мамлакат экспорт рақобатбардошлигига оид илмий-назарий қарашлар иқтисодчи олим В.Л. Квинт фикрича, экспортни рағбатлантиришнинг маъмурий усулларида кўра, очиқ бозор усуллари кенг миқёсда самарадорликка эга [15]. Протекционизм салбий таъсир этишини, очиқ бозор кенг имкониятлар беришини таъкидлаган.

Р. Хаусман, Ж. Хванг, Д. Родриклар тадқиқотларига кўра, экспортни рағбатлантириш механизми ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг фаолият самарадорлигини пасайтиради, бу ҳолатнинг устувор жиҳатлари жаҳон бозоридаги конъюнктуравий ўзгаришларда ўз аксини топади [16].

Е. Жонатан, С. Кортум, Ф. Крамарзлар тадқиқотларида экспорт сиёсатини нотариф усуллари эритади [17]. Мамлакат экспортни оширишда нотариф усуллари қўллаш орқали ҳам ташқи савдо сиёсатини юритиши мумкинлигини аниқлаган.

Н.Ф. Гофман ва Г.А. Маховикова олиб борган тадқиқотлари, экспорт фаолиятини рағбатлантиришнинг классик ва ҳозирги замон уйғунлигини таъминлашга асосланган [18]. Унда классик ва замонавий назариялар асосида экспортни ошириш ва тадбиркорларга рағбатлар бериш таҳлили олиб борилган.

Р. Щенин олиб борган тадқиқотининг натижаларига кўра, Европа Иттифоқида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари баҳоларини давлат томонидан харид қилиш тизимида қатор муаммолар юзага келмоқда [19]. Бундай муаммолардан бири Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозорини эркинлаштиришга нисбатан қўйилган қатъий талаблар билан боғлиқдир. Маълумки, ЖСТ 1995 йилдан бошлаб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдосини эркинлаштириш дастури амалга оширилмоқда. Ушбу дастур қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражасини қисқартириш, экспортни субсидиялашни қисқартириш, барча нотариф воситаларни тарифли воситалар билан алмаштиришни кўзда тутди.

Пребиш Раул ўз илмий ишида экспортнинг таркибий хусусиятлари ва унинг иқтисодий ўсиш билан боғлиқлигини биринчилардан бўлиб ўрганган [20]. Унинг тадқиқотлари натижаси, мамлакатнинг хом ашё экспортига ихтисослашуви ушбу мамлакат ва тайёр маҳсулотлар экспорт қилувчи ривожланган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ривожланиш даражасидаги тафовутни ошириб боради. Бунинг асосий сабаби, жаҳон бозорида юқоридаги икки турдаги товарларга бўлган нархлар турли суръатларда ўзгаради ва талабнинг барқарорлик даражаси ҳам фарқ қилади.

Шунингдек, экспортнинг товар таркиби ва унинг иқтисодий ўсишдаги бевосита ролини Д. Лидерман ва В. Малоний тадқиқотларида ўрганган [21]. Улар экспорт қилинаётган маҳсулотларнинг қайта ишланганлик даражаси ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги корелляцияни боғлиқликни кўрсатиб берган.

Д. Родрик эса, Хитой экспорти мисолида экспорт товар таркибининг аҳамиятини эмпирик таҳлил қилган [22]. Бунда у экспорт таркибининг Хитой экспортининг ошишига таъсирини, шунингдек, ривожланаётган мамлакатларда экспортни ошириш имкониятларини аниқлаган.

Брентон, Пиерола ва Векскулл (2009) умумий ҳолда дастлабки экспорт оқимининг ҳажми, шунингдек, изланиш ва ахборот харажатлари, валюта ўзгаришлари орқали кейинги оқимларнинг давомийлигини тушунтиради [23].

### **Хулоса ва таклифлар**

Халқаро савдо назарияларини умумлаштириш натижалари шуни кўрсатадики, унинг моҳиятини ёритиб беришга қаратилган классик қарашлар ҳам, замонавий қарашлар ҳам ташқи савдо муносабатлари ривожланиши жараёнида вужудга келадиган барча саволларга тўлиқ жавоб бера олмас-да, мамлакатларнинг жаҳон бозорида ўзига хос ўрин эгаллашларини таъминловчи афзаллик жиҳатларини аниқлашга ёрдам беради.

Сўнги йилларда фан-техника тараққиётининг ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг байналмилаллашуви натижасида ташқи иқтисодий фаолиятнинг характери ва йўналишларида туб ўзгаришлар юз бермоқда.

Жаҳон савдосида ривожланган мамлакатлар позициясининг сусайиши ва Хитой ҳамда Осиёнинг қатор динамик ривожланаётган мамлакатлари улушининг ошиши жаҳон савдоси ривожланишининг муҳим тенденцияларидан бири ҳисобланади.

Халқаро бозорлар очиқ бўлиши керак, аммо савдо ҳам барқарор ривожланишга ёрдам беришини таъминлаш учун бошқарилиши керак. Глобал ҳамкорлик барқарор ривожланиш мақсадларини амалга оширишнинг муҳим воситасидир ва очиқ, камситилмайдиган ва адолатли кўп томонлама савдо тизими бундай ҳамкорликнинг асосий компоненти бўла олади.

Ташқи савдонинг классик ва замонавий назарияларининг кўрсатишича, глобаллашув таъсирида иқтисодиётлар кучли рақобат муҳитига дуч келмоқда. Сиёсий зиддиятлардан фарқли ўлароқ, “иқтисодий уруш” шиддатли тус олмоқда. Мамлакатда иқтисодий барқарорликни таъминлаш пировард мақсад сифатида қаралмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Marc J. Melitz. The Impact of Trade on Intra-Industry Reallocations and Aggregate Industry Productivity. *Econometrics*, Vol. 71, № 6. (Nov., 2003), pp. 1695-1725.
2. Marc J. Melitz. Trade Competition and Reallocations in a Small Open Economy. <https://scholar.harvard.edu/files/melitz/files/eria.pdf>
3. Tinbergen, J. (1962). *Shaping the world economy: Suggestions for an international economy policy*. New York: The Twentieth Century Fund.
4. Frankel, J., Stein, E., & Wei, S., J. (1996). Regional trading arrangements: Natural or Supernatural? *American Economic Review Papers and Proceedings*, 86 (2), pp. 52-56.
5. Jean-Jacques Hallaert, Ricardo Cavazos Cepeda, and Gimmin Kang (2011). *Estimating the Constraints to Developing Countries Trade*. Organization for Economic Co-operation and Development, Paris.
6. Murat Seker (2010). *Trade Policies, Investment Climate, and Exports across Countries*. World Bank Policy research working paper. № 5654, World Bank, Washington, DC.

7. Felipe J., and Kumar U. (2010). The role of trade facilitation in Central Asia: A gravity model, Working Paper, № 628. New York: Levy Economics Institute.
8. Chakraborty D., and Mukherjee S. (2016). How Trade Facilitation Measures Influence Export Orientation? Empirical Estimates with Logistics Performance Index data. Journal of Economics Library, 2016.
9. Djankov S., Freund C., and Pham C. (2010). Trading on time. Review of Economics and Statistics, 92 (1), p. 166-173
10. Brenton P., and Newfarmer R. (2009). “Watching more than the discovery channel to diversify exports”. In breaking into new markets: emerging lessons for export diversification, eds. R. Newfarmer, W. Shaw, and P. Walkenhorst, 111-126. Washington, DC: World Bank.
11. Cusolito A. P. (2010). Export Competitiveness and the Intensive and the Extensive Margins of Trade. World Bank, Washington, DC.
12. Hummels, D., and P. Klenow (2005). “The variety and quality of a nation’s exports”. American Economic Review 95 (3): 704-723.
13. Bernard A., Bradford J., Redding J., Stephen J. and Schott P. (2007). Firms in International Trade. CEPR Discussion Papers 6277, Centre for Economic Policy and Research, London.
14. Cadott O., Carrere C. and Strauss-Khan V. (2011). Trade diversification: Drivers and Impacts. World Bank, Washington, DC.
15. Kvint V.L. Strategy for the global market. – New York, London: Routledge-Taylor & Francis, 2015. – 520 p.
16. Hausmann R., Hwang J., Rodrik D. What you export matters. // Journal of Economic Growth. 2007, Volume 12. – p. 1-25. DOI: 10.1007/s10887-006-9009-4
17. Jonathan E., Kortum S., Kramarz F. An Anatomy of International Trade: Evidence from French Firms. // Review of Economic Studies. 2011. – p. 217
18. Гофман Н.Ф., Маховикова Г.А. Основы внешнеэкономической деятельности. Учебный пособие. – СПб.: Питер, 2001. – 365 с.
19. Щенин Р. Экономика Европейского Союза. – М.: Дело, 2013. – ст. 137.
20. Хасбулатов Р. Международные экономические отношения в 3 ч. Часть 1, 3-е изд., Москва. Юрайт-2018
21. Lederman D., Maloney W.F. Does what you export matter? In search of empirical guidance for industrial policies. Latin America Development Forum. Washington, DC, The World Bank, 2012.
22. Rodrik D. What’s so special about China’s exports? China & World Economy, 2006, vol. 14, issue 5, pp. 1-19. DOI: 10.1111/j.1749-124X.2006.00038.
23. Brenton, P., M. Pierola, and E. von Uexkull (2009). “The life and death of trade flows: understanding the survival rates of developing country exporters”. In Breaking into markets: Emerging lessons for export diversification, eds. R. Newfarmer, W. Shaw, and P. Walkenhorst, 127-144. Washington, DC: World Bank.